Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 184 (3685)
15 СЕШАНБА
АВГУСТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Мажбуриятлар изидан*

РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Октябрь ва Чилонзор районларининг меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилига социалистик мусобақа тўғрисида ўзаро шартнома тузиб, 1978 йилнинг етти ойи давомида пландан ташқари 6 миллион 286 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишни мўлжаллаган эдилар.

Ҳар икки район индустрия ходимлари юксак мажбуриятни бажара бориб, январь-июль ойлари топшириғининг муддатидан илгари бажарилишини таъминладилар, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича планни ортиғи билан бажардилар, мажбуриятга қўшимча 1,1 миллион сўмлик халқ хўжалиги буюмларини ишлаб чиқардилар. Ялпи товар маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг юксак суръатлари таъминланди.

Бугун биз мусобақадош районлар меҳнат коллективлари ўртасидаги анъанавий ойлик йўқламамизни бошлар эканмиз, газетанинг иккинчи саҳифасида етти ойлик топшириқ ва мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида батафсил ҳикоя қиламиз. Газетанинг навбатдаги сонларида шу йилнинг етти ойи ичида шаҳримизнинг Киров ва Собир Раҳимов, Ҳамза ва Куйбишев, Ленин, Фрунзе ва Чилонзор районлари ўртасидаги мусобақа якунлари ҳақида ҳикоя қилинади.



Коммунистик меҳнат зарбдори Бакир Селимов Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь революцияси орденли Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводининг илғор металлургларидан ҳисобланади. У анчадан буён корхонанинг 8-алюмин қуювэритув цехида қуювчи бўлиб меҳнат қилади. Корхонанинг пешқадам ишчилари қатори Б. Селимов ҳам беш йиллик шахсий топшириқларини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган.

СУРАТДА: Б. Селимов.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ— СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА

Марра эгалланди

«Главсредазир с о в хозстрой»нинг ирригация бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси коллективи дастлабки довондан ўтди.

БУГУН

коллектив саноат маҳсулотлари реализация қилиш уч йиллик планини ошириб бажарди. Аҳил коллектив ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили планини СССР Конституцияси кунигача бажариш учун бошланган социалистик мусобақага биринчилар қатори қўшилган эди. Ишчилар, конструкторлар ва инженерларнинг меҳнати самарали бўлди ва мажбуриятда белгиланганидан икки ой олдин 9120 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Конструкторлик бюроси коллективи 7 октябргача яна 545 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга аҳд қилди. Йил охиригача эса яна 800 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади. Шундай қилиб, беш йилликнинг уч йили давомида жами 10465 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

Куни-кеча «Главташкентстрой»нинг «Ташинжстрой» треста коллективи номига Жиззах область Дўстлик районидаги Саркисов номли совхоздан мактуб келди.

«Шаҳарлик ҳамкорлар, баҳорги экин экиш мавсумида техника воситаларимизни сифатли созлашга катта ёрдам берганлигингиз ҳали ҳам ёдимизда. Мана бир ойдирки тажрибали слесарлар Ражаббой Бобожонов, Зоҳид Худойберганов ва Фарид Жамолиддиновлар техника ва механизмларни пахта йиғим-терими мавсумига тайёрлашга катта ёрдам беришмоқда. Ўтган куни эса сизлардан яна бир туҳфа — автостахона олдик. Бунинг учун катта раҳмат!»

Трест коллективи ҳар йилгидай бу йил ҳам Саркисов номли совхозга ҳар томонлама оталиқ ёрдами кўрсатишга аҳд қилган. Жумладан, пахта йиғим-терими кампаниясида икки сменада ишлайдиган автоустахона ҳозирданоқ тўла жиҳозлаб қўйилган. Совхоз ишчилари йил охиригача тошкентликлардан яна турли диаметрдаги 3 тонна қувур ва совхоз ариқларига ётқизиш учун 20 куб метр лоток оладилар.

Пахта йиғим-терими кампанияси даврида трестнинг 100 нафар ишчиси деҳқонларга етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда яқиндан ёрдам берадилар.

Ғ. АБДУЛЛАЕВ.

• *Янгилик! Хабарингиз борми?*

«ТАШТРАКТОРСТРОЙ» ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X Пленумида республикамиз қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш, колхоз ва совхозларни такомиллашган, серунум техника воситалари билан янада кўпроқ таъминлаш юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланганди. Пахтачиликка мослаштирилган, қуввати оширилган, «МТЗ—80Х» маркали тракторлар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш, бундай техника воситаларини ишлаб чиқаришни йилига 35 мингтагача етказиш, бунинг учун Тошкент трактор заводини реконструкция қилиш ва янги ишлаб чиқариш корпусларини қурилишини янада жадаллаштириш мақсадида яқинда республика Қурилиш министрлиги системасида «Таштрактортрой» трести ташкил этилди. Машинасозлик корхоналари қурилишига ихтисослаштирилган бу трестга 126-механизациялашган кўчма колонна ва 228-қурилиш бошқармаси ўтказилди. Янгидан 281-механизациялашган кўчма колонна тузилди. Янги трест қурувчилари зарбдор йилда 2 миллион 650 минг сўмликдан знёд қурилишмонтаж ишларини адо этадилар.

— Коллективимизнинг иш ҳажми йилдан-йилга ошиб боради,— дейди трест бошқарувчиси Зариф Зуфарович Содиқов.— Шу йил охиригача яна битта қурилиш-монтаж бошқармаси ва битта пардозлаш бошқармаси тузилади. Трестимизнинг ишлаб чиқариш базаларини вужудга келтиришга ҳам киришилди. Бу тадбирлар келгуси йили Тошкент трактор заводи, «Узбексельмаш» заводи ва бошқа машинасозлик корхоналари қурилишида 7,5 миллион сўмлик иш бажариш имконини беради.

• *Уй муборак!*

104 ОИЛА УЧУН

БУГУН

Октябрь районидаги Г— 30 кўчасида иккита тўрт қаватли турар жой биноси қурилиши битказилди. Тез кунлар ичида бу ерда 104 ҳамшаҳаримиз уй тўйларини нишонлашади.

Бинолар қурилишида Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасининг уй-жой қуриш трестига қарашли «Ташпросстрой», «Ташмосстрой» ва монтаж ишлари бошқармасининг азамат қурувчилари тер тўкишган.

1981 йил ҳисобига

«Узбексель м а ш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр пайвандчиси Алексей Григорьевич Шурнинг меҳнат календарида ажойиб сана бошланди. У келгуси беш йиллик ҳисобига маҳсулот тайёрлай бошлади.

Республикамизнинг ташаббускор ишчилари ҳаракатига қўшилган бу пешқадам пайвандчи корхонада биринчи бўлиб бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олган эди. У иш вақти ва дастгоҳлардан унумли фойдаланиш, илғор тажрибаларни жорий қилиш ва амалда қўллаш туфайли икки ярим йилда беш йиллик маррани эгаллашга муваффақ бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб беришга ҳаракат қилаётган бу ишчи 1980 йилга қадар яна бир йиллик топшириқни бажариш бўйича социалистик мажбурият қабул қилди.

Ўтган икки ярим йил давомида узбексельмашчилар мамлакатимиз далаларига 75 мингдан знёд ҳар хил қишлоқ хўжалик машиналарини жўнатишди. Ҳозир бирлашмада тайёрланаётган умумий маҳсулотнинг 35 процентга фахрли бир қисми белги билан чиқарилмоқда. Бу машиналар пишиқлиги, чидамлилиги билан ажралиб туради. Ишнинг сифатли ва самарали бўлишига А. Шур, З. Шошина, В. Рутто сингари ўнлаб пешқадам ишчилар салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.



СУРАТДА: Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Валентина Обухова. У самарали меҳнати билан кўпчиликка ўрнак бўлмоқда.

Тежалган ёнилғи билан

Тошкент пассажир депосининг тепловоз бригадалари ҳар ўн кунда бир марта поездларни тежалган ёнилғи ҳисобига бошқаришмоқда.

Депо коллективи ўнинчи беш йилликда тежамкорлик соҳасида катта муваффақиятларни қўлга киритишни режалаштириб қўйган. Энг яхши бригадалар техникани ўзлаштириш, поездларни бошқариш маҳоратини ошириб бориш ҳисобига кўплаб ёнилғини тежаб қолишга муваффақ бўлишяпти. Уларнинг кўплари бир йил давомида тежалган ёнилғи ҳисобига бир ой поездларни бошқариш мажбуриятини олишган. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, темирйўлчилар ўз сўзларининг устидан чиқишяпти. Бунга В. Ульянов етакчилик қилаётган бригада эришган натижалар асосида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу бригада шу йилнинг ўтган ойларида 26 тонна ёнилғини тежаб қолишга муваффақ бўлди. Машинист И. Гусав етакчилик қилаётган бригада эса 24 тонна ёнилғи тежаб қолди.

Депо коллективи эришилган натижалар билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Ҳар бир цех, бригадада ҳом ашё материаллари ва ёнилғини тежаш бўйича ташкил қилинган социалистик мусобақа тобора авж олиб бормоқда.

ҚАРДОШЛАР ҲИММАТИ

Польшанинг Лодзь шаҳридаги политехника институти студентларидан 15 киши интернационал қурилиш отряди сафида шаҳримизда меҳнат қилди. Ёшлар ғайрат кўрсатиб ишлаб 25 минг сўмлик иш бажаришди.

Поляк студентларини тўкимачилик ва енгил саноати институтининг ёшлари ўз отаолиқларига олишган эди. Дўстлар биргаликда экскурсия ва саёҳатларга чиқишди. Интернационал дўстлик кечалари ўтказишди.

БУГУН

меҳнат семестрини шаҳримизда ўтказган польшалик студентлар Ватанига жўнаб кетишди. Улар тошкентлик ёшлар билан дўстлашганликларидан ғоят мамнун эканликларини билдирдилар.

48 ТА БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

Аҳмад Дониш кўчасида икки қаватли янги кўркам бино қад кўтарди. Бу ер ишга атрофда яшовчи аҳоли болаларининг севимли масканига айланади.

БУГУН

«Главташкентстрой» 4-трестининг 19-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари боғча биносини фойдаланишга топширдилар. Янги болалар боғчасида 280 бола тарбияланади.

Ҳозирги кунда Киров районида 48 та болалар боғчаси ишлаб турибди. Уларда меҳнаткашлар н и н г 1400 дан ортиқ фарзанди тарбияланмоқда.

Шу йил охиригача районда яна учта кичкинтойлар маскани эшикларини очади.



Тошкент мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-фабрикасининг Иброҳим Олимов бошлиқ тайёрловчи слесарлар бригадаси ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал адо этиб, ҳозир 1981 йилнинг иккинчи квартали ҳисобига меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: ана шу коллектив аъзоларидан бир группаси (чапдан-ўнгга)— И. Олимов (бригадир), А. Солиҳов, А. Нурмуҳамедов, И. Каримов, Н. Йўлдошев, И. Усканбоев ва А. Феденков ўртоқлар. Бригаданинг шиори: бир беш йилликда икки беш йилликни бажариш.

М. Нуриддинов фотолари.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқларнинг Корея озод қилинганлигининг 33 йиллиги муносабати билан Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Корея Халқ Демократик Республикасининг Президенти Ким Ир Сен ва Корея Халқ Демократик Республикаси Маъмурий Кенгашининг Бош министри Ли ден Окка йўллаган табрик телеграммалари эълон қилинган.

◆ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Тошкент область партия комитетининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VII ва VIII пленумлари қарорлари асосида сут етиштиришни кўпайтириш ва сут чорвачилиги самарадорлигини ошириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда босилган.

◆ Учишни бошқариш маркази хабар қилади: космонавтлар Владимир Ковалёнок ва Александр Иванченков «Салют-6» — «Союз-29» — «Прогресс-3» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичидаги мўлжалланган тадқиқотлар ва экспериментлар программасини бажаришни давом эттирмоқдалар.

• *Қурилиш майдонида*

ПАРДОЗ ИШЛАРИ АВЖИДА

Янги ўқув йили бошланишига оз вақт қолди. Шунинг учун мактаб бинолари қурилиши билан банд бўлган бинокорлар иш суръати ва сифатини оширишмоқда. Сергели шаҳарчасининг янги турар жой массивида қад кўтараётган 1568 ўринли мактаб биноси қурилишида ҳам сўнгги жилокорлик ишлари амалга оширилмоқда.

— Бошқармамизнинг асосий ишчи кучлари мактаб биноси қурилишига жалб этилган, — дейди Пардозлаш трести 28-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Собир Азизов. — Объектда иш социалистик мусобақа асосида ташкил этилган. Меҳнат беллашувида Борис Чуманов бошлиқ суворқилар, Абдуғани Қосимов бошлиқ бўёқчилар, Мусулмон Сангинов етакчилик қилаётган бош пудратчи— 153-қурилиш трести ва унинг ёрдамчи пудратчилари ҳам мактаб биносини янги ўқув йилига қадар фойдаланишга топшириш ниятида тер тўкмоқдалар.

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

Чилонзор район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми, унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги»ги доклади талаблари асосида район партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Т. С. Содиқов доклад қилди.

Худди шу масала Собир Раҳимов район партия комитетининг пленумида муҳокама этилди. Район партия комитетининг биринчи секретари З. Н. Абдураҳимов доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларидан район партия ташкилоти учун келиб чиқадиган вазифалар Куйбишев район партия комитетининг пленумида ҳам муҳокама этилди. Район партия комитетининг биринчи секретари Т. Э. Эргашев доклад қилди.

Ҳамза район партия комитетининг пленуми ана шу масала муҳокамасига бағишланди. Район партия комитетининг биринчи секретари А. С. Икромов доклад қилди.

Пленумда шаҳар районлари ўртасида биринчи ярим йиллик якунлари бўйича қишлоққа оталиқ ёрдами кўрсатишда юксак натижаларга эришганлиги учун Тошкент область партия комитети ва Тошкент область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Байроқни Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси А. В. Брайлов топширди.

Ядровий фалокатга йўл қўйилмасин

Халқаро мавзуда сухбатлар

Жаҳон жамоатчилиги Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбалари ташланганлиги натижасида қурбон бўлганлар хотирасини оммавий митинглар ва намойишлар билан нишонлади. Бу фалокат ўн минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритди. Америка ҳарбийларининг ўша мудҳиш жинояти натижасида ҳозир ҳам одамлар қурбон бўлмоқда. Прага ва Ханойда, Стокгольм ва Дехлида, Нью-Йорк ва Никозияда, Лондон ва Мельбурнда ўша мудҳиш жиноятга яна бир марта лаънатлар айтилди.

Хиросимадаги тинчлик парки 1945 йил 6 августда култепалар ҳамда вайроналарга айлантирилган эди. Худди мана шу ерда ўрнатилган мемориал комплексда одатдаги мотам намойиши бўлиб ўтди. Мотам намойиши иштирокчилари қабул қилган тинчлик баёнотида бундай дейилади: атом бомбаси фожиасини бошидан кечирган биз, Хиросима шаҳрининг аҳолиси жаҳондаги ҳамма кишиларга мурожаат қилиб, атом қуролининг тақиқланиши учун, уруш хавфининг бартараф этилиши учун, планетада мустаҳкам тинчлик ўрнатилиши учун курашга чақирамиз!

Хиросимада бўлиб ўтган атом ва водород қуролини тақиқлаш учун кураш халқаро конференцияси ҳам қуроллануш пойгасини жиловлашга, оммавий қирғин қуролларини тамомила тақиқлаш тўғрисида халқаро шартнома тузишга қатъий даъват этди.

Шундай қилиб, ўтган йилларда бўлганидек, бу йил ҳам ядро қуролини тақиқлаш учун кураш жаҳон куни инсониятга атом бомбаси қурбонларини эслатиб ўтди, ўтмишгагина эмас, балки, шунингдек, келажакка ҳам эътиборни жалб этди. Ер юзидаги кишилар мудҳиш фожианинг такрорланишини истамайдилар. Улар ғарбдаги реакцион доираларнинг ва аввало оммавий қирғин воситаларининг янги турларини ишлаб чиқиш ва яратишга давом эттираётган, қуроллануш пойгасини жиловлаш ва ёппасига ҳамда тўла қуролсизланиш соҳасида Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ташаббусини бузаётган Америка империализмини олиб бораётган сиёсатга нисбатан қаҳр ва ғазаб изҳор этдилар.

Қўшма Штатлар ўзининг ҳарбий қудратини тобора кўпайтиришга, қуролнинг одамларни кўпроқ қирувчи, термо ядро ҳалокати хавфини бир неча баравар кўпайтирувчи турларини вужудга келтириш ва кўпайтиришга айниқса зўр бермоқдалар. Пентагоннинг расмий маълумотларига кўра, АҚШ ҳозирги вақтда жами қиммати 200 миллиард доллардан зиёд бўлган қуроллар ва қуролланишнинг энг катта системасини яратиш ёки ишлаб чиқаришни давом эттирмоқда. Бу дастурлар доирасида ядро қуроли ташувчи янги стратегик бомбардимончи самолётлар, ракета қайиқлари, «Трайдент» ракеталари, «Минитмен» ракеталарининг янги турлари, «Крузер» ракеталари, «Першинг-2» ракеталари ва бошқа ракеталар ишлаб чиқарилмоқда. Ракета-ядро қуролини ташувчи кемаларнинг, «ХМ-1» танкларининг янги турлари ишлаб чиқилмоқда.

Мана шу ҳарбий тайёргарлик мусобақаси билан нейтрон бомбаси айниқса ташвиш туғдирмоқда. Халқлар уни ҳақли равишда ваҳшиёна қурол, бутун инсониятга нисбатан даҳшатли хавф деб атадилар. «Вашингтон пост» газетасининг хабар беришича, АҚШ ҳукумати ва конгрессида шу қуролнинг тарафдорлари ҳозирги вақтда даҳоли икки поток линияни: биринчидан, ядро снарядлари ва портловчи қалпоқлар ишлаб чиқарадиган, иккинчидан, шу снарядларни кейинчалик қуроллантириш мумкин бўлган нейтрон камарлар ишлаб чиқарадиган линияни ишга тушириш учун курашмоқдалар.

Пентагоннинг бундай милитаристик режалари АҚШдан ташқари жаҳоннинг бошқа кўпгина районларига ҳам ёйилмоқда. Масалан, НАТО агрессив блоки кенгашининг яқинда Вашингтонда бўлиб ўтган сессияси қабул қилган қарорига кўра яқин йилларда Европага яна беш минг танк, икки мингдан зиёд қирувчи самолёт, 20 мингдан ортиқ танкка қарши бошқариладиган ракеталар юборилади. Нейтрон қуроли ҳам Европадаги урушга мўлжалланган.

Жаҳон халқлари милитаристларининг хатарли ниятларини барбод этишлари керак ва барбод эта олишларига чуқур аминдирлар. Бунинг учун улар ўз сафларини янада мустаҳкамроқ жипслаштиришлари, тинчлик, хавфсизлик, халқаро кескинликни юмшатиш сиёсатини актив ҳимоя қилиб чиқишлари лозим.

Хиросима ва Нагасаки фожиаларининг йиллигида планетамизнинг ҳамма жойларида бунга ишонч билдирилмоқда. Жаҳон тинчлик кенгашининг секретари Ч. Бисвас бундай деди: планетада ялпи хавфсизлик учун, кескинликни юмшатиш жараёнини мустаҳкамлаш учун ягона ҳаракатни кенгайтиришдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Мексика социалистик халқ партиясининг бош секретари Хорхе Круикшанк Гарсиа бундай деб таъкидлади: «Жаҳон халқлари, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари, демократик партиялар, ер юзидаги барча соф виждонли кишилар улуғ мақсад — тинчликни сақлаб қолишга эришиш учун куч-ғайратларини аямасликлари. Америка империализмининг агрессив сиёсатини муваффақиятсизликка дучор қилишлари керак».

Ю. РОМАНЦОВ.

(ТАСС.)

жаҳон ойнаси

● **СОФИЯ.** Девнада цемент заводини кенгайтириш тугалланди. Бу завод Совет Иттифоқининг қардошларча ёрдами билан кенгайтирилди. Эски завод ёнида йилига 1,2 миллион тонна цемент ишлаб чиқарадиган янги завод барпо этилди. Корхонанинг лойиҳасини Харьковдаги «Южгипроцемент» институти ишлаб чиққан. Совет мутахассисларидан 50 дан зиёд киши монтаж ишларида болгариялик шериклари билан қатнашди.

● **БУДАПЕШТ.** Венгриядаги «Эдьешюльт Иззо» корхонаси 1979—1980 йиллар мобайнида шишадан жами 10 миллион сўмлик ҳар хил буюмлар ишлаб чиқариш учун керакли машина-ускуна л а р н и СССРга етказиб беради. Шу ҳақдаги битим Будапештда «Эдьешюльт» Иззо» ва Бутуниттифоқ ташқи савдо бирлашмаси «Технопромимпорт» вакиллари томонидан имзоланди.

● **ДУБЛИН.** Ирландиянинг Корк шаҳридаги «Данлоп» компаниясига қарашли автопокришка заводи ишчиларининг забастовкаси икки ярим ойдан кўпроқ вақтдан буён давом этмоқда. Меҳнаткашлар иш ҳақининг оширилишини талаб этмоқдалар. Хўжайинлар эса бу курашга зарба бермоқ учун «Данлоп» компаниясининг Ирландиядаги ҳамма корхоналарини ёпиб қўйдилар ва 1200 га яқин кишини ишдан бўшатдилар.

● **ОТТАВА.** Статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, Канадада ишсизлар сони июль ойида 8,4 процентга етган. Бу мамлакатда ишсизлик проблемаси ҳаммани жуда ташвишга солмоқда.

Янги демократик партиянинг раҳбари Э. Бродбент ишсизлар сонини камайтиришга қаратилган шошилинч тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида парламентни дарҳол чақиришга даъват этди. Ҳозирги вақтда 927 минг ишсиз бор.

(ТАСС).

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

● МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Октябрь ва Чилонзор районлари мусобақаси

РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

1978 йилнинг январь — июль ойлари кўрсаткичлари

	Октябрь» райони	Чилонзор районн
Маҳсулот реализация қилиш бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	104,0	104,3
Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	103,6	102,9
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати (процентларда)	105,8	109,7
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	103,3	102,8
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)	104,3	105,0
Меҳнат унумдорлигининг ортиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	74,1	53,6
Планни бажармаган корхоналар:		
а) реализация бўйича бажармаган (минг сўм ҳисобида)	—	—
б) ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	—	—
в) меҳнат унумдорлиги бўйича	—	2
Маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш (планга нисбатан процент ҳисобида)	109,1	101,1
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши (процентларда)	115,4	115,7
Планни бажармаган:		
— цехлар	6	5
— участка ва бригадалар	21	29
— ишчилар	451	135
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (марказлашган молиявий манбалар) 1978 йилнинг январь-июнь ойлари кўрсаткичлари (процентларда)	81	76
Турар жойни фойдаланишга топшириш, ярим йиллик планга нисбатан (процентларда)	109	128

Октябрь ва Чилонзор районлари механизациялаштириш ишларининг беш йиллигининг учинчи йили учун қабул қилган план ва социалистик мажбуриятлари ҳар талгидан ҳам тангиз. Буни муваффақиятли бажариш учун ишлаб чиқаришнинг мавжуд ички резервларидан тўла фойдаланиш зарур бўлади.

Мусобақадош районларнинг йилнинг етти ойи мобайнида хўжалик-иқтисодий фаолиятларида эришган муваффақиятлари мавжуд имкониятлардан омилкорлик билан фойдалана олмаганлиги ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, Октябрь районидаги «Средазгазавтоматика» заводи, Ўзбекистон кўчалар коллективлари, шу жумладан «Средазгазавтоматика» заводи, чўтка фабрикаси, Ўзбекистон кўчалар жамиятининг 1-ўқув ишлаб чиқариш комбинати, «Ташкентпиво» бирлашмаси коллективлари июль ойида муҳим маррани қўлга киритиндар: ўтган пландан ташқари маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллик социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Етарли қайта ишлаш, тажриба-техника, з а г а р г а р л и к, «Промсвязь» ҳисобланган техникасига техник хизмат кўрсатиш ва ремонти заводлари, 10-босмахона коллективлари маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажмларини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 ва ўндан кўпроқ процентга ўстиришга муваффақ бўлдилар.

Бир қатор корхоналар— «Ташкентпиво» бирлашмаси, «Средазгазавтоматика» заводи, сут комбинати, чўтка фабрикаси ва бошқа корхоналар 1 ва 3 ҳафтага ишлаб чиқариш графигини аниқлаб олишиб, 1978 йил учун қабул қилинган план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришдилар.

Тикувчи-мотористка Н. Ортиқова ва Н. Аъзамова, бичувчи В. Ларионова, пойафзалчи С. Иброҳимова, заргар Т. Орипов, кондитерчи Г. Михеева ва бошқа юзлаб беш йиллик илғорлари ҳар бир иш жойида мавжуд ишлаб чиқариш ички резервларидан оқилона фойдаланишда ўзига хос намуна кўрсатдилар. Бу илғорлар меҳнатни янада рационал ташкил этиш, дастгоҳлардан унумли фойдаланиш ҳисобига бир мунча юқори кўрсаткичларга эришдилар. Ҳозир улар 1980 — 1981 йиллар ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Ишни бир маромга қўйиш учун меҳнат коллективлари меҳнат унумдорлигини юксалтиришга, кам маблағ сарфлаб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, мавжуд резервлардан тўла фойдаланишга асосий кучни қаратмоқлари лозим.

«Сувенир» фабрикаси, Ўзбекистон ССР кар-соқовлар жамиятининг 2-ўқув ишлаб чиқариш комбинати, «Средазэнергоцветмет» ва бир қатор бошқа корхоналарда кадрлар қўнимсизлиги туфайли ишлаб чиқаришга катта зарар етмоқда.

Беш йилликнинг учинчи йили асосий шиори: ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида тежамкорлик ҳаракатини янада кучайтириб кўп, яхши ва арзон маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Районларнинг бир қатор корхоналарида шу жумладан театр жамияти комбинатида, 8-темир-бетон буюмлари заводида ва бошқа корхоналарда маҳсулот таннархининг бир неча ўн минг сўмлиқка қимматлаштиришга йўл қўйилди.

Ишни бир маромга қўйиш учун меҳнат коллективлари меҳнат унумдорлигини юксалтиришга, кам маблағ сарфлаб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, мавжуд резервлардан тўла фойдаланишга асосий кучни қаратмоқлари лозим.

8-темир-бетон буюмлари заводи, «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «ГлавташкентстроЙ»нинг тажриба-экспериментал заводи раҳбарлари механизмни тўғри ташкил этиш учун зарур тадбирларни қўллаш ўрнига ойлик план-топшириқларга ғ а ўзгартишлар киритишга беҳуда вақт сарфламоқдалар.

«Сувенир» фабрикаси, Ўзбекистон ССР кар-соқовлар жамиятининг 2-ўқув ишлаб чиқариш комбинати, «Средазэнергоцветмет» ва бир қатор бошқа корхоналарда кадрлар қўнимсизлиги туфайли ишлаб чиқаришга катта зарар етмоқда.

Беш йилликнинг учинчи йили асосий шиори: ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида тежамкорлик ҳаракатини янада кучайтириб кўп, яхши ва арзон маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Районларнинг бир қатор корхоналарида, шу жумладан театр жамияти комбинатида, 8-темир-бетон буюмлари заводида ва бошқа корхоналарда маҳсулот таннархининг бир неча ўн минг сўмлиқка қимматлаштиришга йўл қўйилди.

Ишни бир маромга қўйиш учун меҳнат коллективлари меҳнат унумдорлигини юксалтиришга, кам маблағ сарфлаб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, мавжуд резервлардан тўла фойдаланишга асосий кучни қаратмоқлари лозим.

● *Партия турмуши: идеология ва ҳаёт*

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

ПАРТИЯМИЗ XXV съездида қилган Ҳисобот докладида ўртоқ Л. И. Брежнев партия ўқуви ва иқтисодий-таълим соҳасидаги вазифалар ҳақида гапириб шундай деган эди: «Коммунистларни ва партиясизларнинг тобора кенгроқ оммасини, партия ўқувига тортишга бўлган эътиборини камайтирмай туриб, бу ишнинг мазмуни тўғрисида, унинг назарий даражасини ошириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш ҳозирги вақтда, партия қадам қўяётган янги босқичда муҳим вазифадир». Биз, пропагандистлар съезднинг ана шу кўрсатмасига амал қилиб, партия маорифи системаси барча шаҳобчаларида машғулотларнинг юксак ғоявий-сиёсий савияда ўтишига интилдик.

Яқинда корхонамиз партия комитети 1977—1978 ўқув йилининг якунларини батафсил муҳокама қилди. Унда йилнинг асосий воқеалари — СССР ва Ўзбекистон ССР республикаси Конституцияларининг қабул этилиши, Улуғ Октябрь 60 йиллигининг нишонланиши, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районлари бўйлаб сафари, унинг «Кичик ер» ҳамда «Тикланиш» китоблари машғулотларнинг ғоявий-сиёсий мазмунини бекиёс бойитди. Коллективнинг ижтимоий-сиёсий активлигини оширишда уларнинг аҳамияти жуда катта бўлди.

Ўқув йили якунига бағишланган йиғилишда корхонамиз сиёсий-маориф кабинетининг мудири Саида Азимова бир қатор тажрибали пропагандистларнинг машғулотларни олиб боришдаги ўзига хос усуллари, уларнинг ўқув методикасини пухта эгалланганликлари ҳақида қизиқарли мисоллар келтирди. Масалан, ҳамкасбим О. Южний, Г. Шитовлар ҳар бир машғулотнинг таъсирчанлиги, унинг юксак савияда ўтиши ҳақида ғамхўрлик қилдилар. Мен уларнинг бой тажрибасига ҳавас қиламан. Улар ҳар бир машғулотни бевосита коллектив олдида турган долзарб вазифалар билан мохирона боғлаб ўтказадилар. Тингловчилар ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш, материал ва хомашёни тежаш юзасидан бевосита амалий топшириқлар олишади. Масалан, ростовликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори, «Новаторнинг бугунги мараси — эртага барчанинг нормаси», «СССР Конституцияси бир йиллигигача беш йилликнинг уч йили топширигини бажарамиз» сингари ватанпарварлик ҳаракатларига кенг эътибор берилди. Натижада илғорлар сафи ой сайин кенгайиб борди. Х. Абдурашидова, Ф. Сатторов, И. Штольц сингари ишлаб чиқариш пешқадамлари коллективнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлдилар.

130 та ижтимоий таълим мактабида «Социализм ва меҳнат», «Социалистик жамиятда инженерлик меҳнати» сингари фанлар чуқур ўрганилди. Шуниси қувончлики, машғулотлар самараси ойдин кўриниб турибди. Тингловчиларнинг рефератлар ва амалий топшириқлар олишлари ва бу борада пухта иш тутганлари учун машғулотларнинг самараси қувонарли бўлди. Ўтган ўқув йилида тингловчилар киритган таклифлар амалга оширилиши натижасида 400 минг сўмдан зиёд иқтисодий самара олинди.

Янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўришда ўтган йилнинг бой тажрибалари бизга кўл келиши шак-шубҳасиз. Бу борада КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ўқувининг вазифалари тўғрисида»ги қарори биз, пропагандистлар учун жанговар программа ҳисобланади.

Янги ўқув йилида КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари ҳамда СССР янги Конституцияси модда ва Низомларини ҳар бир киши қалби ва онгига сингдириш, тингловчиларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини янада ошириш биз, пропагандистлар учун муҳим вазифалардир.

Корхона партия комитети янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш юзасидан тузилган комплекс план асосида иш олиб бормоқда. Биз, пропагандистлар ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида иш олиб бориш билан бирга мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган муҳим воқеалар, янги ўқув йили вазифалари билан ҳар томонлама танишиб боряпмиз. Мен ўзим пропагандистлик маҳоратимни янада такомиллаштириш устида ишлаяпман. Максадим партиявий оташин сўз ва шахсий намуна билан эзгу ишга муносиб ҳисса қўшишдир.

С. ИВАНОВ,
В. И. Ленин номли электрон-техника заводи пропагандисти.



Мана бу суратда сиз «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси тикув цехининг чевар тикувчиси, комсомол аъзоси Шоира Шорахмедовани кўриб турибсиз. У Лола Юсупова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасида меҳнат қилади. Бригаданинг бошқа аъзолари қатори Ш. Шорахмедова ҳам смена нормасини мунтазам ортиғи билан адо этади. Шу билан бирга у цех масаба союз ташкилотчиси ҳамдир. Мазкур цехда уч хил маҳсулот Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилади. Бунда комсомол-ёшлар бригадасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

И. Хожиалдиев фотоси.

СИФАТИ ЯХШИЛАНДИ

Тошкент фармацевтика институти олимлари амидопирин билан қўшилган анальгин таблеткаларини тайёрлашнинг яхшиланган технологиясини ишлаб чиқиб, жорий этишга тавсия қилдилар. Улар таблеткаларни тайёрлашда ёрдамчи моддаларнинг энг мақбул составини таклиф қилдилар, олдиндан брикеттлаш деб аталувчи методни қўлладиларки, у дориларнинг чидамлилигини оширади. Бундай препарат осон ўзлаштирилади, шифобахш сифатларини одатдагидан узоқроқ сақлайди.

(ЎзТАГ).

Пойтахт картасида Улуғбек шаҳарчаси

Тошкент атрофида буюк аллома, астроном Улуғбек номи билан аталган шаҳарча ташкил этилганига йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро физикаси институтининг турар жой шаҳарчаси ўшанда Улуғбек номи билан аталган эди. Шундан буён бу жажжи шаҳарча ҳар томонлама ривожланди. Унинг турар жой фонди, ободончилигида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Институтнинг ўнлаб илмий муассасалари билан биргаликда мактаблар, боғчалар қурилиб ишга туширилди.

Олимлар шаҳарчасининг аҳолиси ҳам кўпайиб борди. Ҳозир бу ерда шаҳарчага хизмат кўрсатаётган ташкилотлар, корхона ва муассасаларнинг ҳам аҳолисини қўшиб ҳисоблаганда тўққиз мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда.

Яқин-яқингача ҳам Улуғбек шаҳарчаси район аҳамиятидаги шаҳарча ҳисобланиб, у маъмурий жиҳатдан Тошкент областининг Оржоникидзе районига қарарди.

— Улуғбек шаҳарчасини ҳар томонлама ривожлантириш, уни янада ободонлаштириш ва кўркамлаштириш проблемалари, уни маъмурий жиҳатдан пойтахт территориясига қўшишни тақозо этди,— дейди Улуғбек посёлка Совети ижроия комитетининг раиси Нина Матвеевна Метальникова.— Шунинг учун ҳам республика партия ва ҳукумати шу йил апрель ойида Улуғбек шаҳарчасини Тошкент шаҳрининг Куйбишев райони ихтиёридаги посёлкага айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бугунги кунда пойтахт ҳаритасидаги янги шаҳарчада катта истиқбол режалари амалга оширилмоқда. Улуғбек шаҳарчасини ривожлантиришнинг 1981 йилгача бўлган истиқбол плани тузиб чиқилди. Шаҳарчада капитал қурилиш ва ободончилик ишлари учун 22 миллион сўм маблағ ажратилган. Ҳозир бу ерда 260 ўринли болалар музыка мактаби, кўплаб коттеж типидаги турар жой бинолари ва бошқа объектлар қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилияпти.

Посёлка Совети ихтиёрида ободонлаштириш бўйича ихтисослаштирилган участка иш олиб бормоқда. Бу участканинг ўттиздан ортиқ коллективи олимлар шаҳарчасининг ободончилик объектларига хизмат кўрсатишга жалб этилган.

— Институт коммунистларининг яқинда бўлиб ўтган очиқ партия мажлисида партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига жавобан шаҳарчани «Намунали коммунистик меҳнат ва турмуш шаҳарчаси»га айлантиришга қарор қилинди,— дейди посёлка Совети раиси Н. М. Метальникова.— Ҳозир посёлканинг барча меҳнат аҳли ана шу ният асосида ишлаб, шаҳарчани намунали шаҳарга айлантириш ишларида ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ҳозир олимлар шаҳарчаси фарзандларига ўрта маълумот бераётган 1500 ўринли мактаби реконструкциялаш тадбирлари кўрилмоқда. Мактаб физика-математика фанларини экспериментал ўқитиш бўйича ихтисослаштирилган мактабга айлантирилади. Шунинг учун ҳам реконструкциялаш ишлари ана шу мақсаддан келиб чиқилган ҳолда мактаб кабинет системаси ва жиҳозлашни ташкил этишга имкон берадиган формада олиб борилади. Келгусида бу мактабда чет тили предметлари бир йўла бошланғич синфлардан ўтила бошланади. Шаҳарчанинг спорт комплекси қурилади. Ҳозир ишлаб турган сузиш бассейнини кенгайтириш, қўшимча спорт иншоотлари бунёд этилади.

Шаҳарчани ва институтни ривожлантиришнинг комплекс тадбирларига мувофиқ 1981 йилга қадар бу ерда Тошкент билан тўғридан-тўғри телефон алоқасини таъминлайдиган АТС, шаҳарлараро телефонда гаплашиш пункти, савдо маркази, 300 ўринли ошхона, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, ҳаммом ва коммунал хизмат комбинати, кирхона, водопровод иншоотлари қурилиши, шунингдек Чорвоқ денгизи соҳилида дам олиш зонаси ва бошқа объектлар қурилиши кўзда тутилган.

«Ташжилпроект» институти Улуғбек шаҳарчасида қад кўтарадиган объектларнинг лойиҳалари устида иш олиб бормоқда. Кейинчалик бу ерда ихтисослаштирилган ремонт участкаси тузилади. Ҳозир бу ишларни шаҳарчанинг турар жой коммунал бўлими олиб боряпти.

Олимлар шаҳарчаси аҳолисига хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Яқин орада бу ерда гўзаллик салони қурилиб ишга туширилади.

Шаҳарча кўчаларини ободонлаштириш, йўлларнинг четларидаги тўсиқларни янгилаш ишлари амалга оширилмоқда. Бекатларни кўркамлаштириш, ёритиш тармоқларини ривожлантириш, суғориш тармоқлари ва ободонлаштирилган зоналарни кенгайтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу йил куз мавсумида шаҳарча кўчалари, мактаблар ва болалар боғчалари ёнларига ўн минг туп-дан кўпроқ манзарали кўчатлар ўтказилади. шаҳарча территориясида микроиқлим яратиш мақсадида фонтанларни кўпайтириш, ёмғирлатиб суғориш мосламалари қуриш ишлари амалга оширилди.

Турар жой шаҳарчасида болалар ўйнайдиган ва спорт майдончаларини кўпайтириш, уларни янгитдан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Энг диққатга сазовор объектлардан бири шаҳарчанинг минерал сув манбасидан фойдаланиб, беморларни даволайдиган шифохона очишдир.

Шаҳарча аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишга ҳам алоҳида аҳамият бериляпти. Ҳозир Инқилоб хиёбони ва Улуғбек оралиғида қатнаётган автобуслар тез орада кеч соат 11 яримга қадар қатнайдиган бўлади. Автобуслар ҳар ярим соатда қатнаб туради. Маршрутли таксилар ҳаракатини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутиляпти.

Шаҳарчанинг марказий қисмида эса олим Улуғбек сиймосини гавдалантирувчи муҳташам ҳайкал ўрнатилади. Бир сўз билан айтганда ўзбек халқининг буюк фарзанди, олим Улуғбек номи билан аталаётган Улуғбек шаҳарчаси гўзал пойтахтимизнинг энг диққатга сазовор жойларидан бири бўлиб қолади.

М. АБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ЯНГИЛИК!
Хабарингиз борми?

● *Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида*

ТОЗАЛИККА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН

Санитария ободончилиги шаҳар штабининг Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Е. Екубжонова раислигида ўтган навбатдаги йиғилиши Собир Раҳимов районида тозалик ишларига қандай эътибор берилаётганлигини кўриб чиқди.

Кейинги икки-уч йил давомида район қиёфаси тубдан ўзгарди. Янги микрорайонлар қад кўтариб, парклар, хиёбонлар бунёд этилди. Корхона ва ташкилотларнинг меҳнатчилари турар жой массивлари, кўчалар ва проспектларни кўркамлаштириш, янада ободонлаштириш борасида кўпгина ишларни амалга оширдилар.

Аммо марказий магистраллар қиёфаси ўзгариб, обод бўлиб боряётганига қарамай, кварталларнинг орқаларидаги йўллар, уйлар атрофи ободончилиги кўзни қувонтирмайди. Масалан, 1/4-Қорақамиш массивини олиб кўрайлик. 10, 11, 17, 18 ва 19-уйлар атрофи чиқиндилардан тозаланмайди, сувориш тармоқлари ҳар хил нарсалар билан кўмиб ташланган. Биноларнинг ертўлаларн ва подъездларида ҳам умуман тартиб-интизом йўқ. 40-ЖЭК бошлиғи И. Зиявакин эса бундай қониқарсиз аҳвол умуман ташвишлантирмая п т и. Ўз хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлгани учун штаб қарорига кўра унга сўнгги огоҳлантириш билан қаттиқ виговор берилди.

1/2 ва 2/4 микрорайонларидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Бу ерда турар жой фондига ғамхўрлик, уни тоза сақлаш ва тартиб ўрнатишга умуман эътибор берилмаяпти. 23 ва 36-ЖЭКларнинг раҳбарлари бу ишлар учун мутасадди бўлган ўз хизматчилари ишини умуман назорат қилмайди, санитария қоидаларига хилоф равишда иш тутаётганларга нисбатан чора кўрмайдилар.

Райондаги бир қатор саноат корхоналарида ҳам бу борада жиддий нуқсонлар мавжуд. Масалан, рўзғор жиҳозлари ва мебеллар комбинатида санитария нормаларига умуман амал қилинмаётир. Натижада корхона ҳовлисида ахлатлар, ишлаб чиқариш чиқиндилари тўлиб-тошиб ётибди. Комбинат атрофидаги территория эса ободонлаштирилмаган ҳам, кўкаламзорлаштирилмаган ҳам. Район санитария эпидемиология станцияси ходимлари бу нуқсонлар ҳақида бир неча бор огоҳлантирганига қарамай ҳамон унга эътиборсизлик билан қараб келинмоқда. Нуқсонларни бартараф қилиш бўйича биронта чора-тадбир белгиланмаган. Металлни қайта ишлаш бирлашмаси, «Ташмрамор» корхонаси, «Металлобиргремонт» комбинатларида ҳам тозаликка жуда кам аҳамият бериляпти.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида санитария нормаларига эътибор берилмаётганлиги умуман йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Республика геология министрлигига қарашли ишчилар таъминоти бўлимининг 6-ошхонасида аҳвол ана шундай қаровсизликдадир. Бу ерда цехлар ўз вақтида тозаланмайди. Технология жиҳозлари ва инвентарлар ифлос ҳолда сақланяпти, маҳсулотларни сақлаш режими бузиляпти. Шаҳар штаби йиғилишининг қарорига биноан ошхона мудири М. Наврўзов ўз вазифасидан бўшатилди.

«Узплодоовощпром»га қарашли 10-магазин мудири Қ. Қиличев ҳам ана шундай жазо олди. Бу магазин мудири санитария нормаларига амал қилмасдан, пештахталарни йиғиштиришга эътибор бермаган. Барча совитиш агрегатлари ишламайди. Натижада сабзавот маҳсулотлари узоқ вақт сақланмасдан, сасиб-чириб кетяпти.

Шаҳар штаби райондаги корхоналар ва муассасаларда йўл қўйилаётган нуқсонларни бартараф этиш, бундан буён уни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш учун бир ҳафталик муддат белгилади.

Йиғилишда район партия комитетининг биринчи секретари З. Н. Абдураҳимов сўзга чиқди.

А. ХАТАМОВ.

ЯНГИ БИНОДА

Ф. Энгельс номли қишлоқ хўжалик техникуми янги ўқув йилини Наманганнинг марказида қад кўтарган янги тўрт қаватли корпус биносида бошлайди. Бу ерда машғулотларни кабинет системасида ўтказиш, талабалар сонини кўпайтириш учун барча шароит яратилган. Техникумда биринчи сентябрдан бошлаб 1 курс студентларидан 270 киши — бўлғуси агроном ва ипакчилик агрономи, зоотехник ва бухгалтерлар ўқишни бошлайди.



Каноп фабрикасининг лентачиси Зуҳра Рустамова ўз олдига ўнинчи беш йилликда олти йиллик топшириқни адо этиш вазифасини қўйган. Бу юксак марра сари у дадил интилмоқда. Ҳозир З. Рустамова икки дастгоҳ ўрнига учта лента машинасига хизмат кўрсатиб, смена нормасини 115— 120 процент адо этмоқда. Фидокорона меҳнати учун коммунист Зуҳра Рустамова учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан мукофотланган.

СУРАТДА: З. Рустамова. Р. Загратдинов фотоси.

Бирлашма филиали

Бўкада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали очилди. Бу ерда ўсмирлар учун циржак тайёрланади. Бирлашманинг энг яхши тикувчилари ёш ишчиларга ўз ҳунарларини ўргатиш учун Бўкага жўнаб кетдилар. Филиал коллективи шу йилнинг ўзидаёқ 11 минг донадан кўпроқ кийим-кечак чиқаради.

(ЎзТАГ).

● *«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин*

«Жонга теккан муаммо»


Шу сарлавҳали материал газетанинг 14 июль сонида босилиб, унда 65«э» маршрути бўйича қатновчи автобусларнинг кўнгилдагидек ишламаётгани танқид қилинган эди.

Пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармасидан хабар қилинишича, газета материалидаги фактлар тасдиқланган. Чиндан ҳам автобусларнинг тез-тез ишдан чиқиб, паркка қайтиш ҳоллари содир бўлган. Маршрутдаги ишни яхшилаш учун қўшимча иккита янги автобус ажратилди. Ремонт учун кирган автобуслар учун махсус ремонт зонаси ва тажрибали слесарлар ажратилди. Мақола коллектив ўртасида муҳокама этилди. Маршрут ишн назорат остига олинди. Ҳозир маршрут нормал ишлаб турибти.

«Тўй тарқаб кетди»

Шу сарлавҳа остида 23 июнда босилган материалда Қорасарой кўчасидаги Адлер тупигида электр чироқлари тез-тез ўчиб туриши танқид қилинган эди.

Собир Раҳимов район ободонлаштириш бошқармасидан жавоб берилишича, бу масала ҳал этилган, ҳозир электр чироқлар нормал ёниб турибди.



Фарид Таъминов абразив комбинатининг механика цехида токарь бўлиб меҳнат қилади. Халқ хўжалигида кенг қўлланиладиган абразив маҳсулотларига сайқал берайтган бу пешқадам ишчи бешинчи йиллик шахсий ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган. У юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш билан бирга смена-ойлик топшириқларини мунтазам 120—130 процент адо этмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ИЛҲОМОВА: Касаба союз органларининг ништирокисиз ҳал қилиниб, беморга касаллик варақаси учун тўланган нафақалар касаба союзлари ҳисобига ёзилиши мумкинми?

Жавоб: Йўқ. Касаба союз органларининг махсус қарорисиз, қоидага хилоф равишда бемор ишининг касаба союз аъзолиги стажи аниқланган ва нафақа тайинланган тақдирда харажатлар касаба союз органлари ҳисобига эмас, балки корхона ёки ташкилот ҳисобига ёзилади.

* * *

Ғ. РАСУЛОВ: Беморга берилган касаллик варақалари қандай сақланиши кераклиги ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Нафақа тўланган насаллик варақалари ҳам, нафақа тўланмаган касаллик варақалари ҳам корхонанинг ҳисоб-китоб бўлимида пул ҳужжатлари сингари авайлаб сақланиши зарур. Касаллик варақалари махсус қоидада кўрсатилишича барча чиқим ҳужжатларидан ажратилган ҳолда алоҳида сақланади.

* * *

А. НУСРАТОВ: Парҳез таомлар ошхонасида овқатланиш учун берилган йўлланма эгаси тартибни бузса, яъни у йўлланмани бошқа бировга берса ошхона маъмурияти шу йўлланмани бекор қилишга ҳақлими?

Жавоб: Умумий тартибда белгиланишича йўлланма эгаси уни жамоат овқатланиш корхонасига кўрсатиб, рўйхатдан ўтказиши зарур. Йўлланма ёки унинг алоҳида талонларини бошқа кишиларга бериш тақиқланади. Ҳар бир йўлланма фақат касаба союз комитети томонидан белгиланган кишига шу ошхонада овқатланиш ҳуқуқини беради. Бу қоида бузилган ҳолларда ошхона йўлланма ёки унинг алоҳида талонларини бекор қилиши ва уларни уч кундан кечиктирмай касаба союз органлари ихтиёрига жўнатиш ҳуқуқига эга. Бекор қилинган йўлланмалар касаба союзларининг йўлланмаларни қайд қилиб борадиган дафтарига ёзиб қўйилади ва йўлланмаларни ҳисобга олиб борувчи ҳужжатларга қўшиб сақланади.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Давлат автомобиль инспекцияси маъмурий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарганликлари учун қуйидагилар икки йилгача муддат билан ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилдилар ва 10 сўмдан 30 сўмгача жарима тўладилар: «Главташкентстрой» ўқув комбинатининг ҳайдовчиси Виктор Тонких, 157-қўчма колоннанинг ҳайдовчиси Алексей Харьяков, Абдурахмон Абдуллаев (2-пойафзал фабрикаси), Рафаэл Байрамгалиев (СМП-623), Зуҳриддин Азимов (Ўзбекистон Фанлар академияси автобазаси), Леонид Бессонов (Узгипроавтодор), Владимир Бурдов (СредазНИИгаз).

Хусусий автомобиллар ва мотоцикларининг эгалари ҳам ана шундай жазоландилар: Александр Будников, Нанаф Фаттохов, Анвар Миржалилов, Борис Лахгаков, Дилшод Жўраев, Юрий Коваленко, Юрий Мосеев, Бурҳон Катаев.

Иван Шишков (7-автодормехбаза) автомобиль рулида иккинчи марта маст ҳолда бўлганлиги учун ушланди ва ҳайдовчилик ҳуқуқидан беш йил муддатга маҳрум қилинди ва 30 сўм жарима пули ундириб олинди.

• *Шаҳримизнинг кўргазма заллари да*

ҲАЁТНИНГ МУҲРЛАНГАН ИЗЛАРИ

Шу кунларда шаҳримиздаги Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг Кўргазмалар зали тасвирий санъат мухлислари билан айниқса гавжум. Мана, бир неча кундирки, бу ерда ВЛКСМнинг 60 йиллик юбилейига бағишлаб республика Рассомлар союзи, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети билан биргаликда ташкил этган «Ёшлар намойиш этади» номи остидаги кўргазма давом этмоқда. Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз М. Раҳимов республика Рассомлар союзи правлениеси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати, рассом Рўзи Чориев билан учрашиб, унга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Шу кунларда намойиш этилаётган виставка «Ёшлар намойиш этади» номи остидаги республика бадиий кўргазмаларининг бешинчиси. У аввалгиларидан нимаси билан фарқ қиладн?

— Ёшларимиз ўз услубларини яратиш йўлида изланиб, экспериментлар қилиб кўрмоқдалар. Бу нарса кўргазмада ўзининг тўла аксини топган. Фикримнинг далили сифатида бу ерда кўрсатилаётган М. Тўхтаевнинг фантазияга бой «Куз мевалари» сериясидаги «Афсоналар туғилгувчи дунё», Г. Цикуновнинг «Шоҳимардонда куз», «Баҳор» асарларини келтириб ўтиш кифоя қилади, деб ўйлайман. Мен шу ўринда ёш дўстларимга шуни эслатиб ўтмоқчи эдим. Ҳар қандай эксперимент ҳаётини янада тўла ва чуқур акс эттириш учун хизмат қилмоғи лозим. Шундай эксперимент ижодкорни катта санъатга олиб боради. Йўқса, у бутунлай бошқа йўлдан кетиб қолиши шубҳасиз.

— Санъатнинг, шу жумладан тасвирий санъатнинг энг муҳим хусусияти унинг ҳаётни акс эттиришидир. Шу маънода ёш рассомлар ижодида ҳаёт нечоғли ўз аксини топаяпти?

Тасвирий санъатнинг ёш авлоди вакиллари, шубҳасиз қобилиятли ва жаҳон маданиятидан хабардор ёшлар. Улар Беҳзод, Тицнан, Секерос, Пикассо каби мўйқаламлари билан мўъжиза яратаолган, асарлари билан ҳамон инсонлар юрагини сеҳрлаб келаётган буюк рассомлар ижодини севиб ўрганганлар.

Буюк рус рассоми И. Репин ҳаётида характерли бир деталь бор. Рассомнинг ўнг қўли шол бўлиб қолади. Энди у чап қўли билан расм сола бошлайди. Бунинг сабаби аниқ — севган машғулотидан воз кеча олмаслик. ҳаётини санъатнинг шу турисиз тасаввур эта олмаслик. Муҳими. ёшларимизда ана шундай —ўз ҳаётини тасвирий санъатга бағишлаш бор.

Улар гражданлик бурчини ҳис этиб, виждонан ижод қилмоқдалар. Зотан виждон — А. Ламартин айтганидай — қонунлар қонунидир.

Ёш ижодкорларимиз эндигина ҳаётга кириб келяпти. Улар ўзлари кўрган ва билган нарсаларини мўйқаламга олаяптилар. Шу сабаб бўлса керак, ҳаёт уларнинг ижодида ҳар томонлама аксини ҳали топа олгани йўқ. Кўргазмада 200 га яқин ижодкорнинг 300 дан ортиқ нафис тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати асарлари намойишга қўйилган. Уларга назар солинса бу ҳол яққол сезилади. Тўғри. А. Мирзаев, Ш. Абдурашидов, Б. Жалолов, С. Абдуллаев каби Союзимиз аъзолари, А. Юсупов, И. Ҳайдаров, К. Губайдуллин ва бошқа ёшларнинг ижодий бирлашмаси аъзоларида ҳаётни тўлароқ қамраб олишга интилиш бор. Буни қадрлаш керак, албатта.

Назаримда, ёшларимиз ҳаётга чуқурроқ кириб боришлари, уни қузатишлари керак. Шундагина булоқдек қайнаб ётган ҳаёт уларга ўз сирларини очади, асарларига мазмун тортиқ қилади. Шунда улар катта социал масалаларни ўз асарларида кўтариб чиқадилар.

Ўтган йили командировка билан уч киши БАМда бўлиб қайтди. Булар А. Мирзаев, Б. Назаров, К. Губайдуллинлардир. Лекин Республикамиз бўйлаб ижодий сафарга чиқиш кам бўляпти. Ахир ўлкамизнинг барча ерида қурилишлар соат сайин бўй чўзиб боряпти-ку. Ёш рассомлар, бири Оҳангарон, бири Олмалиқни, яна бири Андижон сув омбори қурилишини мўлжалга олиб ижодий сафарга отланганларида кўнгилдаги иш бўларди. Табиат куйчиси Ўрол оға Тансиқбоев мана шундай сафарлардан бирида мангу уйқуга чўмганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Мен шу ўринда «Ёшлар намойиш этади» кўргазмасининг илк қатнашчиларини эсга олиб ўтмоқчиман. Улар Б. Бобоев, В. Бурмакин, Ю. Талдикин, С. Мельников, Ф. Тоҳиров, Д. Исмоилов, В. Зиёев-лар, мен ҳам шулар қаторида эдим. Бугунги кунда халққа таниб қолган бу рассомлар ижодий сафарга жуда иштиёқманд эдилар. Б. Бобоев ана шундай сафарлардан бирида Жиззахда бўлиб, чўл ҳақидаги туркуми билан қайтди ва Бутуниттифоқ кўргазмасида қатнашди. Ф. Тоҳиров эса Фарғона водийсининг гўзал табиатини тараннум этувчи «Ватаним» номли нафис тасвирий санъатнинг энг кўҳна жанри бўлган пейзажда серия яратди. В. Бурмакининг барчага таниш «Оқ халатли кишилар» йирик полотноси ҳам ҳаётни шундай қузатишнинг маҳсулидир.

Партия ва ҳукуматимиз ёш ижодкорларга чексиз ғамхўрлик қилмоқда, кенг имкониятлар яратиб бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида», Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ёш ижодкор зиёлилар билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қабул қилган қарорлари бунинг ёрқин далилидир. Ёшлар бу имкониятдан тўла фойдаланиб, гоявий тўлақонли, бадиий юксак асарлар яратадилар, деб ишонамиз.

— Кўргазмадан республикамизнинг турли областларида яшаб ижод этаётган ёшларнинг асарлари ҳам ўрин олган. Бу асарлар раиг-баранг, бир-биридан фарқли бўлса керак?

— Ҳа. Ҳатто энг навқирон шаҳар — Навоийдан ҳам ижодкорлар қатнашмоқда. Улардан бири Н. Лемешко энг мураккаб жанр-портретда асар яратибди. Асар «Рассом Алиев портрети» деб аталади. Анча жонли, психологик портрет. Сурхондарёлик Ҳ. Йўлдошевнинг «Тоғ қишлоғи» манзараси, оҳангаронлик В. Гурнинг «Музика» деб номланган ҳайкалтарошлик асарлари, тошкентлик Н. Белоусовнинг «Йил фасллари» сериясидаги «Ёзги» деб аталувчи нақш чизиб безалган журнал столчаси, самарқандлик Б. Рубиновнинг кўғирчоқ театри учун, Витровичнинг «Қувноқ гуноҳкор» спектаклига чизган декорация эскизлари, фарғоналик В. Криловнинг мис лаганга зарб қилиш йўли билан ишланган «От» асарлари бу ёшларнинг тинмай изланаётганлигидан далолат бериб турибди. Навоийлик М. Алиев эса тасвирий санъатнинг айтарли барча турларида ўз кучини синаб кўрмоқда.

Муҳими шундаки, бу кўргазма юзлаб ёш истеъдодлар воягаетиб келаётганлигини кўрсатди.

М. РАҲИМОВ.

Карим Каримович КАРИМОВ



Истеъфодаги генерал-майор Карим Каримович Каримов 1978 йил 14 августда 64 ёшида тўсатдан вафот этди.

К. К. Каримов 1914 йили Қирғизистон ССРнинг Ўш шаҳрида туғилди. 1932 йили тўлиқсиз ўрта мактабни тугатгандан сўнг Андижон областининг Хўжаобод районидаги колхозда меҳнат фаолиятини бошлади.

Ўрта Осиё молия-иқтисод институтини тугаллагандан кейин шу институтда ишлади, халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялашга кўп куч-ғайрат сарфлади.

1939 йили Карим Каримович Каримов Совет Қуролли Кучлари сафига чақирилди. Армияда у оддий жангчидан генерал-майор унвонигача бўлган йўлни босиб ўтди. Улуг Ватан урушида Жанубий фронтда алоҳида танк қирувчилари ротасининг ҳарбий комиссари лавозимида фаол иштирок этди. Яродор бўлганидан сўнг Андижон районининг ҳарбий комиссари сифатида ишга юборилди.

1942 йилдан 1959 йилга қадар Андижон шаҳрининг, Бухоро ва Самарқанд областларининг ҳарбий комиссари лавозимларини эгаллаб келди. 1959 йилдан 1974 йилгача Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари бўлди. Ана шу давр ичида у республика ҳарбий бошқармаси маҳаллий органлари фаолиятини такомиллаштириш ишига катта ҳисса қўшди.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVI, XVII ва XVIII съездларида у республика Компартияси ревизия комиссияси составига сайланди ва шу йиллар давомида унинг узлуксиз равиш бўлиб келди. Ўзбекистон ССР VI, VII ва VIII чақириқ Олий Советига депутат қилиб сайланган.

К. К. Каримовнинг хизматини Коммунистик партия ва Совет давлати юксак тақдирлади. У икки марта Қизил Юлдуз ордени билан, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва кўпгина медаллар билан мукофотланди.

Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди, довюрак ва матонатли жангчи-коммунист, тоймас меҳнаткаш, ажойиб инсон Карим Каримович Каримовнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланади.

Ш. Р. Рашидов, И. Г. Анненкин, С. Е. Белоножко, Л. И. Греков, И. Р. Курбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, К. Камолов, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Т. У. Умаров, Г. В. Архантельский, Н. Иброҳимов, Т. А. Алимов, В. Г. Қосимов, Л. Ф. Кадацкий, В. С. Родин, В. М. Михайлов, В. Р. Рябцев, Н. К. Мартинюк, А. П. Лебедев, С. У. Эргашев, С. С. Охунжонов, Г. Н. Стрельцов, Ф. Х. Норхўжаев, П. Ф. Шевелев, Х. Х. Яҳёев, Л. Н. Мелкумов, Б. Х. Сирожиддинов, А. М. Ҳожибоев, П. С. Шеянов, Т. Ҳ. Аҳмадхўжаев, Ю. А. Шевешов, Б. Д. Бобоев.

• *Китоб — офтоб*

ИБРАТЛИ УМР САҲИФАЛАРИ

Инсон ҳаётга нима учун келади? Ҳаёт лаззати, яшаш ғашти. бу ширин умрнинг мазмуни нима билан баҳоланади? Одамлар одамлар учун яшайди, Боғбон ниҳол экади, мироб сув келтиради, деҳқон ноз-неъмат яратса, чорбогбон нур таратади, донишмандлар илм знёсини сочади, ҳаммаси одамлар учун бунёд бўлади, ҳаммаси яхшилик учун хизмат қилади. Шунинг учун ақли донишлар зое ўтадиган умрга ачиниб, афсуснадомат чекадилар. Инсон боласи ҳаётда умр бўйи орзу-умидга интилиб яшаркан, унинг заминида одамларга яхшилик қилишдек пок туйғу ётади. Олим-шифокор Зикрилла Эгамбердиевнинг яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган «Интилганга толе ёр» китоби ана шу хусусда, қимматли умрни қандай ўтказиш ҳақида баҳс юритади.

Одам умри оқиан сувдек ўтиб борар-кан, боладик, ёшлик йилларини қўмсайди, умрининг энг ширин дамларини хотирлайди, кўзгуда ҳаёт жонланганидек бўлади. унда атрофдаги муҳит, яхши одамлар, пастбаланд йўллар, ширин ва аччиқ кечинмалар юракка ларза солади.

Зикрилланинг ёшлик йиллари ана шундай аччиқ-чучук дамлар билан ўтади, ҳаёт сўқмоқларида уни одамлар тўғри йўлдан юришга, яшаш ва кураш-га ўргатишади. Яхшиликдан руҳланган, ёмонликдан нафратланган Зикрилла ҳаётнинг энг қимматли томони — инсон саломатлиги ҳақида ёшликдан қайғуради. У буюк Лукмони Ҳакимнинг исмини дилига жо этиб, шифокор бўлишга азму қарор қилади. сўнг бутун ҳаётида шунга интилади.


Муаллиф инсоний қадр-қимматни одамларнинг меҳр-муҳаббатлари, яхшиликлари, дардкаш-ҳамдамликлари заминида, воқеий лавҳаларда тасвирлаб беради. Китобнинг «Ночор кундалари», «Санъат шайдолари», «Ота-бола», «Янги мактабда», «Тиббий институт», «Елга кетган умрлар», «Илм давом этади» каби бўлимларда ёш Зикрилланинг илм-фанга чанқоқлиги. шу йўлдаги изланишлари. 1953 йили Москвада Марказий врачлар малакасини ошириш институтининг ҳарбий факультетида медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олиши жуда қизиқарли тасвирланади.

«Орадан қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди. Ён-веримга ўтирилгунимча олтмиш тўртни уриб қўйибман». Муаллиф 1939 йилда Тошкент Медицина институтини 105 йигит ва қиз тугатишганини, сўнг улар Ватан ҳимоясига кетишганини, шулардан 33 кишигина омон-эсон Тошкентга қайтиб келганини ҳаяжон билан ифодалайди.

Китобда юзлаб кишиларнинг номлари тилга олинган. Улар ҳалол, софдил, меҳнаткаш, Ватаннинг чинакам ўғлонларидир. Медицина фанлари докторлари, профессорлар В. Воҳидов, М. Комилов, Ҳ. Салоҳиддинов, А. Бобожонов, Ҳ. Ҳидиров, З. Долимов ва бошқа ўнлаб шифокор-олимлар муаллиф билан ёнма-ён, ҳамнафас бўлишган. улар эл-юртнинг меҳрибони, чинакам ўғлонига айланишган. Шулар қатори ўзбеклардан чиққан биринчи рентгенолог Зикрилла Эгамбердиев ҳам ўз умидорзусига интилиб, толени ёр қилиб олган кишилардан. У медицина фанлари кандидати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, шу билан бирга яна бир яхши касб— журналистликни ҳам эгаллаб олган, яқиндагина унинг ўнинчи китоби ҳам босмадан чиқди. Муаллиф ўнлаб ажойиб кишилар, атоқли олимлар ҳақида тўхталиб келиб, ўзи ҳақида енгил кулги билан «Камина бир кун дўхтирлик, бир кун мухбирлик қиладилар» деб ҳақли суратда фахрланади.

«Ижтилганга толе ёр» китоби ибратли умрлар ҳақида жуда ҳозибали ёзилган. Бу китоб мухлисларни хурсанд қилиш билан бирга, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялайди.

Тўлқин РАСУЛЕВ.



Тошкент марказий сейсмик станцияси ходимлари энг замонавий электрон-сейсмик приборлар ёрдамида юз бераётган ер силкинишларини қайд қилиш ва уларни олдиндан аниқлаш борасида кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

СУРАТДА: станциянинг ер тебранишларини қайд этувчи марказий навбатчилик бошқарув пульти. Инженер Б. Борзов сменаси навбатчилик қилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Келажакка назар ташлаб

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг олимлари пахтачиликни ҳозирги ривожланишини ва халқ хўжалигининг у билан боғлиқ бўлган тармоқларини чуқур анализ қилиш билан алоқадор ишни поёнига етказдилар. Тадқиқотчилар тайёрлаган илмий асарда бу комплекс барча асосий бўғинларининг ўзаро боғлиқ вазифалари, республикада пахта етиштиришни ва қайта ишлашни янада ривожлантиришни белгилаб берадиган тармоқларни перспектив планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган методик қоидалар муфассал қараб чиқилган.

(ЎзТАГ).

САҲНАДА — ҲАВАСКОРЛАР

Қўқон шаҳар маданият уйининг ижодий коллективи халқ ҳаваскор драма театрларининг Тошкентда тугаган республика кўригида голиб чиқди. Бу коллектив Ленин комсомолининг 60 йиллигига бағишланган ана шу конкурсда М. Каримов пьесаси асосида саҳнага қўйилган «Инсонликка номвод» спектаклини кўрсатди. Жюри аъзолари якдиллик билан таъкидлаганидек, ҳаваскор артистлар саҳнада ёрқин тасаввурни ҳосил қилишга, озгулик, инсонийликни қарор топтиришга ўз қаҳрамонларининг тақдири билан томошабинларни қизиқтиришга муваффақ бўлганлар.

Ҳозирги вақтда Қўқон халқ театри турли ёшдаги ва касбдаги саҳна ҳаваскорларидан қирқ кишини ўзига бирлаштирган.

Қорақалпоғистон АССРдаги Чимбой халқ театри, Тошкент шаҳридаги Оҳунбобоев номли, Тошкент шаҳар маданият уйининг халқ театри ва бир қанча бошқа ижодий коллективлар ҳам кўрикнинг лауреатлари бўлдилар.

ЁЗГИ ТЕАТР

Сурхондарё областидаги «Пограничник» совхозида янги ёзги театр фойдаланишга топширилди. Театр зали 400 кишига мўлжалланган. Хўжалик деҳқонлари бу ерда кечқурунлари кинофильмлар кўришлари, лекциялар тинглашлари, бадиий ҳаваскорларнинг концертларини томоша қилишлари ҳам мумкин.

(ЎзТАГ).

Жаҳон оинаси

Самарали ҳамкорлик

ВЕНА. Австриянинг Совет Иттифоқи билан савдо-иқтисодий алоқалари муваффақиятли ривожланмоқда. 1971 йилда СССР билан Австрия ўртасида товар оборати 4.4 миллиард шиллингдан иборат бўлган эди, 1977 йилда эса 13 миллиард шиллингга етди. Австрия СССРнинг Ғарбий Европа мамлакатлари орасидаги асосий экспортчилари рўйхатида тўққизинчи ўриндан олтинчи ўринга чиқиб олди.

«Винер цайтунг» газетаси савдони янада кенгайтириш учун яхши истиқболлар борлигини таъкидлайди.

Австрия савдо, ҳунармандчилик ва саноат министри Н. Штарибахер Австрия — Совет иқтисодий муносабатларига юксак баҳо бериб, яқинда Венада бўлиб ўтган матбуот конференциясида совет ташкилотлари билан ҳамкорлик Австриядаги кўпгина корхоналарни буюртмалар билан таъминлашга имкон беради ва ишчиларнинг ишда қолишига кўмаклашади, деди.

Федерал канцлер Б. Крайский СССР билан Австрия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларда бирон-бир муаммо йўқ, деб таъкидлади.

Раҳамлар, шунингдек Австрия раҳбарларининг айтган сўзлари Совет— Австрия иқтисодий ҳамкорлигининг ҳар икки томон учун фойдали эканлигидан далолат бермоқда. Бундай ҳамкорлик Австрия учун айниқса муҳимдир. Чунки унинг саноати ва қишлоқ хўжалиги капиталнинг иқтисодий системасида давом этаётган танглик туфайли ҳамон жиддий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда.

Муваффақият гарови

ПРАГА. Чехословакияда олтинчи беш йилликнинг муҳим индустриал объектларидан бири—Праховица шаҳридаги цемент заводи қурувчилари ва монтажчилари коллективи социалистик мажбурият қабул қилдилар. Бу мажбурият барча иш графикларига пухта риоя қилишга ва янги қурилишни ЧССР ҳукумати белгилаган муддатда — келгуси йил 1 апрелда фойдаланишга топширишга қаратилган. Сменаларнинг коэффициентини оширишга, қурилиш-монтаж ишларининг сифатини яхшилаш, ҳом ашё ва материалларни тежаб сарфлашга алоҳида эътибор берилади.

Праховица заводи республикада цемент ишлаб чиқарувчи энг катта корхона бўлади. У замонавий серунум асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва йилига 1,2 миллион тонна қимматли қурилиш материали ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Ирригациялаш ишлари кучайтирилмоқда

ДЕҲЛИ. Давлат қишлоқ хўжалиги ва ирригация министри Б. П. Синг парламент халқ палатасида бу йил Ҳиндистонда қўшимча равишда 2,8 миллион гектардан кўпроқ қуруқ ерларга сув чиқариришнинг маълум қилди.

Ҳиндистон тез-тез қурғоқчилик бўлиб турадиган ўлка. 652 миллион кишидик аҳолисининг қарийб 80 процентн қишлоқларда яшайди. Шундай бир шароитда ерларни суғориш ҳосилдорликни ошириш учун, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ҳажмини кўпайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш учун жуда катта аҳамиятга эга.

Экин майдонларини кенгайтириш сохасида мамлакатнинг имкониятлари чекланганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни юксалтиришга аввало деҳқончиликни интенсивлаш, жумладан ирригация тармоқларини ривожлантириш йўли билангина эришиш мумкин.

1951 йилдан бери қарийб 500 та йирик ва ўртача ирригация объектлари фойдаланишга топширилди. Биас ва Сатлеж дарёлари ўртасидаги катта канал 1977 йилда қуриб битказилди. Бу канал Панжоб. Харинана, Раҳастан ва Ҳиндистоннинг иттифоқ территорияси далаларини суғоради. Чамбал дарёси ҳавзасида йирик ирригация комплекси. Панжобда гидрокомплекс қуриб битказилмоқда. Ҳукумат дарёлар ягона системасини яратиш планини маъқуллади. Шу планга мувофиқ Ҳиндистондаги дарёлар жами 12,5 минг километр узунликдаги каналлар орқали бир-бири билан туташтирилади.

И. КОЛГАНОВ.



Шаҳар универсал магазини қошида мактаб бозори очилди. Бу ердан ҳар бир ўқувчи ўзига керакли барча ўқув қуролларини харид қилиши мумкин.

СУРАТДА: сотувчи Абдужалил Иброҳимов сав до пайтида.

Р. Альбеков фотоси.

• *Газетхон илтимоси*

Тоғтурбиддан эҳтиёт бўлинг

Ҳурматли редакция! Тоғлиқ жойларда тоғтурбид деган ўсимлик бўлиб, у саёҳатчиларни кўнгилсиз воқеаларга дучор қилар экан. Бу қандай ўсимлик, уни нима учун заҳарли дейишади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ҳ. Қамариддинов, Д. Одилова, Ш. Каримов, студентлар.

Ўсимликлар олами ҳар бир саёҳатчини ўзига мафтун этади, ором беради, кишини завқ-шавққа тўлдиради. Лекин баъзи ўсимликлар борки, ўз чиройи билан мафтун этса ҳам, кишида ёмон кайфият қолдиради. Шундай ўсимликлардан бири — саёҳатчилар дилини оғритадиган ва қуйдирадиган тоғтурбиддир.

Бу заҳарли ўсимликнинг беш хил тури бўлиб улардан бири Тошкент ва Фарғона областларида, иккинчиси эса Самарқанд, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё областларида учрайди. Улар асосан тоғ ёнбағирларида, аҳён-аҳёнда очиқ жойларда ҳам ўсади.

Тоғтурбид ўртадошларга манзуб кўп йиллик ўтлар бўлиб, ўсиш шароитига қараб бўйи 50—130 сантиметр бўлади. Поялари қалин туклар билан қопланган. Барглари жуда йирик, мустаҳкам, уч-саккиз жуфт баргчалардан ташкил топган. Тўп гуллари шингилсимон. Гулларн маданий гулларникн сингари тоят чиройли, улар асосан пушти рангли бўлади. Тожбаргининг узунлиги 4—5 сантиметрга етади. Гулкўрғон ичидан чиқиб турадиган бита чангчи ҳам ўсимликка ажойиб чирой бериб туради. Шунинг учун ҳам ўсимликка кўзи тушган ҳар бир киши уни олиб гулдаста қилгиси, багрига босгиси келади.

Тоғтурбидда кўп миқдорда эфир мойи бўлиб, кун исиган пайтда ўзидан бундай мойларни кўп ажратади. Бу мойдар одамнинг бирор аъзосига тегса, ордан бир-икки кун ўтар-ўтмас шу ерни куйдиради, яъни куйган ерда ўзига хос пуфакчалар ҳосил бўлади. Агар эфир мойлари кучли таъсир қилган бўлса, куйган жойда хунук қабариқлар, бордн-ю, у салгина теккан бўлса, у ҳолда қора доглар ҳосил қилади. Бу доғлар ҳуснни бузиб, анчи-уэой сақланиб туради. Ўсимлик мойи билан заҳарланган беморларга баъзида шифокорлар мохиятига етмай, «терининг шамоллаши» деган диагноз қўйишади. Яхшиси саёҳатга чиқувчи ҳар бир киши тоғтурбиднинг кўринишн, заҳарли эканини билиши, ундан эҳтиёт бўлиши керак.

«Қизиқарли ботаника» китоби муаллифларининг келтиришларича, тоғтурбид заҳарли бўлганлиги туфайли уни қайвоилар ҳам истеъмол қилмайди. Бирор ўтга аралашган ҳолда еб қўйган мол дарҳол заҳарланади. Тоғтурбид эфир мойининг яна бир хусусияти шундаки, у ўсимликдан ажралган пайтда учқун ҳосил қилиши мумкин. Шунчалик ўта енгил ҳосил қилиши мумкин. Шунчалик ўта енгил ҳосил қилиши мумкин. Шунчалик ўта енгил

• *Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати олдидан*

МУҲИМ ТАДБИР

Маълумки, 1979 йил январь ойидан мамлакатимизда аҳоли рўйхати бошланади. Бу муҳим сиёсий тадбир бизнинг зиммамизга жиддий вазифалар юклайди.

Аҳоли рўйхати ўтказилиши олдидан мамлакатимизда катта тадбир амалга оширилди. 1976 йилдан аҳолига янги паспортлар берила бошланди. Орадан ўтган икки ярим йил мобайнида районимизда бу соҳада катта ишлар амалга оширилди. Турар жой бошқармалари, маҳалла комитетлари, активистлар бу муҳим вазифани амалга оширишда бизга яқиндан ёрдам бердилар. Дондор кишиларга район партия комитетида янги паспорт бериш, вояга етган йигит-қизларга гражданлик гувоҳномасини топшириш сингари ишлар уюшқоқлик билан ўтказиб келинмоқда. Маҳалларда гражданларга тантанали суратда паспорт топшириш анъана бўлиб қолди. Дўмробод, «Москва» маҳаллаларида бу соҳада мақтовга сазовор ишлар қилинди. Дўмробод маҳалласидан А. Абдуллаев, М. Файзиев, «Москва» маҳалласидан В. Ваҳобов кабилар янги паспортларни тантанали тарзда топширишда район ички ишлар бўлимига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Шу йилнинг олти ойи давомида районимизда янги паспорт топшириш 140 процент адо этилди. Бу ишда паспорт бўлимининг Ниёза Ғуломовна Ғуломова, Анна Петровна Игнатенко сингари тажрибали ходимлари мақтовга сазовор хизмат қилишмоқда. Районимиз аҳли уларнинг ишчанлиги ва хушмуомаласидан мамнун бўлмоқдалар.

Маълумки, янги паспорт топшириш 1981 йилгача давом этади. Ҳозир паспортларни янгилаш учун барча шароитлар мавжуд. Шу сабабли паспорт муддати қачон тугашидан қатъий назар уни янгилаган маъқул. Ишни пайсалга солиш яхши эмас.

Ҳали айтганимиздек, янги йилнинг январь ойида мамлакат бўйича аҳоли рўйхати ўтказилади. Аҳоли рўйхати планлаштириш, статистика ва умуман мамлакатимиз ижтимоий тараққиётининг режаларини белгилашда катта аҳамиятга эга. Аҳоли рўйхати нима учун қиш фаслида ўтказилади, деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, йилнинг бу фаслида кўпчилик аҳоли «ўтроқ» вазиятда бўлади. Ёз фаслидагидек отпускага чиқиш, командировкалар қишда озроқ бўлади. Рўйхатни ўтказишда мана шу жиҳатлар ҳам ҳисобга олинган.

Ҳозир районимизда аҳоли рўйхатини ўтказишга тайёргарлик қизғин тус олган. Барча турар жой бошқармалари, маҳаллаларнинг уй дафтарлари текширишдан ўтказилди. Бу соҳада бизга бошқармаларнинг ходимлари маҳаллалардаги активистлар, район ички ишлар бўлимининг участка вакиллари яқиндан ёрдам бердилар. Ишонч билан айтиш мумкинки, ходимларимиз аҳолини рўйхатга олиш тадбирини юқори савияда ўтказиш учун бор маҳорат ва тажрибаларини ишга соладилар.

К. МУҲАМЕДОВ,
Чилонзор район ички ишлар бўлими паспорт бўлинмасининг бошлиғи, милиция майори.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

Ёшлик

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

«Ё Ш Л И К» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН



6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.



БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЁШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҲАМ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

УҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙИДА 64 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

УҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

УҚУВЧИЛАР АЙНИ БИР ВАҚТДА КЕЧКИ МАКТАБДА ЕКИ САВДО ТЕХНИКУМИДА УҚИШЛАРИ МУМКИН.

МАКТАБ-МАГАЗИНИНИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР КАТТА МАГАЗИНЛАРГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИ ВА УЛАРГА СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ ЕКИ СИРТҚИ БЎЛИМИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.



ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 8, 9, 10, 12, 1, 24, 28-трамвайлар, 2, 3, 9, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати) 33-75-48 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.



ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 15/VIII да **Севилья сартароши**, 16/VIII да **Сўғд элининг қаҳрамонлари**, 17/VIII да **Чио-чио-сан**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА (Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали театри биносида)— 15/VIII да **Уйланиш**, 16/VIII да **Келинлар кўзголони**, 17/VIII да **Ганг дарёсининг қизи**.

КИНО

15 АВГУСТДА
ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Эй, бахтли инсон!** (18.45).

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона — «ЧАЙКА» (20.00).

Лейтенант Слейднинг хатоси— ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18, 20, 21.30), «ЧАЙКА» (18.00), «МОСКВА» (17.30, 19, 20.00), «ВОСТОК», (18, 20, 21.40), «НУКУС» (17, 19, 20.45).

Топталган туйғулар— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45).

Топталган туйғулар— «ХИВА» (20.45, 22.30).

16 АВГУСТДА
ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Эй, бахтли инсон!** (10.30, 13.15, 16, 18.45).

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона— «ЧАЙКА» (16, 20.00).

Лейтенант Слейднинг хатоси— ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30). «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 18.00), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.30, 19, 20.00), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21.40), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45).

Топталган туйғулар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45, 22.30).

Топталган туйғулар— «ХИВА» (20.45, 22.30).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

15 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.15 Болалар учун. «Чексиз муҳаббат сўқмоқлари бўйлаб». Бадиий фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Ҳиндистон Мустақиллиги кунига. «Мангу ва янги Ҳиндистон». Кинопрограмма. 19.30 Бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар. Свердловскдан олиб кўрсатилади. 20.30 «Мен бахтли одамман». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Поэзия» альманахи. 23.20 М. Светлов шеърларига М. Таривердиев ёзган қўшиқларни Г. Беседина ва С. Тараненко ижро этадилар. 23.35 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Лёньканинг таътиллари». Болалар учун телевизион фильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ пионер ёзи» (рус.). 18.45 «Партия ҳодими минбари». 19.00 «Бугун — Ҳиндистон мустақиллиги куни». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 «Кино усталари». Кинодраматург О. Агишев (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Сабо еткур саломимни». Концерт. 21.30. Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль. Пленуми қарорлари— ҳаётга!» «Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш». 22.15 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 2-серия. «Наташа Ростова». 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Улик мавсум». Бадиий фильм. 2-серия. 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 «Бу мангу бехаловатлик». Фильм-концерт. 21.00 «Йўлда». Телевизион бадиий фильм (рус.).

16 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Бир минутлик суқунат». Бадиий фильм. 11.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма. 15.50 «Музей ва кўргазмаллари бўйлаб». Абрамцево. 16.20 «Цимбаллар янграсин!». Концерт. 16.45 «Адабий ўқиш». 17.35 «Жонажон табиат».

18.00 «Горнчилар, қасрдасиз!». 18.30 Янгиликлар. 18.40 А. Лядов. «Сеҳрли кўл». 18.50 «КПСС Марказий комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари— ҳаётга». «Ўрим-йиғим техникасини такомиллаштирайлик». Телевизион очерк. 19.10 «Воронеж ялангликлари». Воронеждан концерт олиб кўрсатилади. 19.40 «Инсон ва қонун». 20.10 Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига. Л. Н. Толстой. «Болалик». Кўп серияли телевизион спектакль. 1-қисм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Л. Бетховеннинг скрипка ижроси учун ёзган сонаталарини Леонид Коган ижро этади». Фильм-концерт премьераси. 23.05 «Баландликка ҳужум». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 23.35 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Олтин калитча». Бадиий фильм. 12.15 «Насблар ҳақида ҳикоялар» (рус.). 12.45 «Биз Костаков қишлоғиданмиз». Телевизион фильм (рус.). 13.05 «Хевсур қиссаси». Бадиий фильм. 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Ёш куч». Спорт кўрсатуви.

18.30 «Кругозор». Илмий-оммабоп программа (рус.). 19.00 «Ривожланган социализм шароитида КПССнинг аграр сиёсати». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Илҳом». Изкодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ролль олдидаги суҳбат». 2-курсатув. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «СССР Конституциясининг йиллигига беш йиллининг уч йиллик планини бажарамиз». 22.15 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 3-серия. «1812 йил» 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Сўнгги пушаймон». Бадиий фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 «Тошкент» телепрограммаси. «Пойтахт области далаларида». 21.05 «Пирогов ҳақида ҳикоялар». Адабий портрет (рус.). 21.45 «Классик куй саҳифалари».

• *Сўраган экансиз...*

Шарқ ҳаммомининг сири

Ҳурматли редакция! Шарқ ҳаммомлари қандай бўлган, улардан асосан тоза бўлиш учун фойдаланилганми? Ҳаммомда бугунгидек нималарга эътибор бериш керак? Ҳаммомга тушиш баъзи беморларга зиён қилмайдими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.
Р. Алиева, И. Алиев, ишчилар.

Қадим замонларда ҳаммом фақатгина ювиниш жойи бўлибгина қолмай, у даргача даво топиладиган жой сифатида ҳам аҳамияти катта бўлган. Ҳаммом юнонликларнинг иборaси билан «дард, кўнгил хиралликларини ҳайдайман» деган маънони англатади. Буюк табиблар ўз даволаш амалиётларида ҳаммомда бугланишга катта эътибор берганлар. Чунки, Абу Али ибн Сино кишиларда учрайдиган лаванглик, бўш мижозликда ҳаммомда бугланишни тавсия этган.

Миллий ҳаммомларимизда хўббил — бугловчи хоналарнинг бор бўлиши, бу ўз йўли билан кишига шифо бағишлайди.

Тибиётда шу нарса маълумки, режали ҳаммом қабул қилинса, кишининг шамоллаш билан боғлиқ бўлган хасталикларга нисбатан қаршилик қилиш қобилияти ошар экан.

Хорғинлик билан чарчашда кишининг мушак фаолияти пасаяди, унинг ҳужайраларида модда алмашуви натижасида ҳосил бўладиган сут кислотаси йиғилиб қолади. Академик А. А. Минхнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, юқори ҳароратда мавжуд бўлган сут кислотасини камайтирар экан. Бу демак, ҳуббил ҳаммом кишини чарчоқдан фориғ этади. Буғ қабул қилган кишида меҳнат қобилияти ортади. Бу борада Ибн Синонинг қуйидаги тавсияларига эътибор қаратиш керак. У ўтириб қолганлик (лаванг) ва бўшангликни даволашда қуруқ ҳаммом қабул қилишни лозим деб билади. Бунинг учун қиздирилган ва оташидан тушган чуқур тандирда терлаш фойдали дейди. Шу боисдан бўлса керак, ҳозирда шифоли ҳисобланадиган фин «Сауна»си улуғ табиб фикрининг маҳсули бўлса керак. Фин ҳаммомининг ўзгача хусусиятлари шулардан иборат: агар одатдаги ҳаммом (турк, рус) ҳарорати 45— 60 даража бўлиб, нисбий намлиги 70 —100 процентни ташкил қилса, финларнинг «Сауна»си 70 — 100 даражали ҳароратга эга бўлиб, намлиги жуда кам, яъни 20 процентни ташкил этади. Бу эса ўз навбатида ҳароратни кишн бемалол кўтаришига олиб келиб, аъзоларнинг ўта қизиб кетиш эҳтимолидан ҳоли қилади.

Қуруқ ҳаммомдан фойдаланилса нафас фаолиятининг функционал ҳолати яхшиланади, нафас олиш ва чиқариш маҳсулни бўлиб, кишининг мушак қудрати ортиб, ҳаракат изи аниқ бўлади. Манбаларга қараганда қуруқ ҳаммомдан ўн минут қабул қилинганида кишида ишлаш қобилияти бутунлай ўрнига тушади.

Ибн Сино ҳар нарсанинг ўлчови бўлгани каби, ҳаммом қабул қилишнинг ҳам меъёри бор деб тушунтиради. Таниқли фин врачи Х. Тэйр қуруқ ҳаммомдан суиистеъмол этиш онкологик хасталикларга олиб келиши тўғрисида фараз айтган.

Ҳар ҳолда минг йиллар давомида фойдаланилиб келинаётган миллий ҳаммомларимиз ўзининг ижобий томонлари билан хизмат этмоқда. Жаҳонга машҳур бўлган санъат кошоналарини яратган тадбиркор усталаримиз ҳаммом қуриш борасида ҳам зўр истеъдодларини намойиш қилганлар. Ҳаммомларимизни нг гумбаз (Чорсудаги) шаклида бўлишининг афзалликларидан бири ҳаммом ичида ҳарорат тезда мўътадиллашади, чунки гумбазли хонада иссиқ ҳавонинг сирғаниши эркин бўлади (конвекция ҳолати), иккинчидан шип деворлардаги тел томчилари кишини сескантирмай сирғаниб тушади.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, ҳуббил ҳаммом ва қуруқ ҳаммомни қабул қилиш барчага ҳам тўғри келавермайди: юрак хасталиклари билан озорланган кишилар (юрак ишемияси), ҳомилали аёллар, ёш болалар бундай муолажадан ўзларини асрашлари керак. Бугли хоналарга совунланиб кириш ва совун билан ювиниш тавсия этилмайди. Буюк шифокорларнинг фикрича, ҳаммомга тўйиб овқатланиб ва спиртли ичимликлар ичиб киришмаслик лозим. Бир вақтлар ҳаммом арча ва қайин шаббалари билан қабул қилинар эди. Бунда ўзига хос хушбўй хид таралиб, дилингиз янада ёришади (қайин шаббалари), шабба билан баданни қоқилса рохат қушида учган бўласиз.

Озодалик— саломатликнинг гарови, деганлари бежиз эмас. Ким қандай ювиниши ўзига ҳавола, лекин ҳар қалай ҳаммом қабул қилишнинг йўли ҳам бор. Тарихий шахс Плинний Катта шундай деган эди: «Сув ва озодалик римликларни барча хасталикларидан фориғ этувчи омилдир». Албатта, бу ибората жон бор.

М. НАБИЕВ.

• *Ножўя иш—келтирар ташвиш*

БУЁҒИ НИМА БЎЛАРКИН?

159-қурилиш трестига қарашли 9-қурилиш бошқармасининг гишт терувчиси Наби Раҳимов машинадаги болага олазарак бўлиб қараб борарди. Омади келмади. Касалхонага етай деганда бола кўзини юмди. Талвасага тушган Наби Раҳимовнинг хаёлига дархол буёғи нима бўларкин деган савол келди. Ҳаловати бузилди.

Бунга унинг ўзи айбдор. Сағбон кўчаси бўйлаб 59—54 — ТНР рақамли «Москвич» машинасини ҳайдаб бораётганда унинг хаёлига бундай савол келмаган эди. У катта тезликда бораётганди. Шу пайт йўлда пайдо бўлган олти ёшли Олимжонни кўрмай қолди. Машина уни босиб кетди.

Наби Раҳимов шу кунларда шаҳримизда Бутуниттифоқ ҳаракат хавфсизлиги кўриги ўтаётганлигини яхши биларди. Лекин у қоидага фақат ҳизмат машиналарининг ҳайдовчилари амал қилишлари керак, деб тушунарди. Худди шу нарса унинг бахтсиз ҳодисага сабаб бўлишига олиб келди. Буёғи нима бўларкин? Бу саволга энди суд ва прокуратура органлари жавоб беришади.

Х. САИДОВ,
милиция катта лейтенанти.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.



Фақат гиламларгина эмас, балки сунъий ва табиий толалардан елимлаш методи ёки тўқиш йўли билан амалга оширилган бошқа ҳар қандай гилам маҳсулотлари ва полосларни химчистка топшириш мумкин.

ГИЛАМЛАРИНГИЗНИ ЯҚИНДА ОЧИЛГАН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФАБРИКА ТОЗАЛАБ БЕРАДИ.

БУЮМЛАРНИ ТОЗАЛАШ ҚУЙИДАГИ АСОСИЙ ОПЕРАЦИЯЛАРДАН ЎТАДИ: **чангини тозалаш, ювиш, доғларни кетказиш.**

ТОЗАЛАШ УЧУН ЮҚОРИДАГИ БУЮМЛАР ЧЕКЛАНМАГАН УЗУНЛИКДА, АММО ЭНИ 4 МЕТРДАН ОРТМАГАН ТАҚДИРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ҳақ прейскурант бўйича тўланади.

Келажакда гиламлар, гилам маҳсулотлари ва полосларни уйга қайтариб элтиб бериш йўли билан қабул қилиш ташкил этилади (бу унчалик кўп ҳақ талаб этмайди). Аҳолига қулайлик яратиш учун гилам маҳсулотларини тозалашга қабул қиладиган ўнта ихтисослашган пункт ташкил этилган:

УЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИ ВА ИШ ВАҚТЛАРИ:

ЛЕНИН РАЙОНИ

16 ПУНКТ — ЦУМ ёнида. Иш вақти соат 10.00 дан—19.00 гача, дам олиш кунлари —якшанба, душанба.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ

5 ПУНКТ — Ш. Руставели кўчаси, 28-уй. Соат 8.00 дан — 20.00 гача ишлайди. Дам олиш кунисиз.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

21 ПУНКТ — М. Горький проспекти. Соат 8.00 дан—20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

7 ПУНКТ — Гагарин кўчаси. Соат 8.00 дан — 20.00 гача ишлайди. Дам олиш кунисиз.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

53 ПУНКТ — Беруний кўчаси. Соат 10.00 дан—19.00 гача. Дам олиш кунлари якшанба, душанба.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

30 ПУНКТ — Маиший хизмат уйи («Москва» кафеси биносида). Соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— якшанба, душанба.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ

3 ПУНКТ — Студентлар шаҳарчаси. Соат 8.00 дан —20.00 гача, дам олиш кунисиз ишлайди.

КИРОВ РАЙОНИ

24 ПУНКТ — Бодомзор кўчаси, маиший хизмат уйи. Соат 9.00 дан — 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари —якшанба, душанба.

ҲАМЗА РАЙОНИ

4 ПУНКТ — Лисунов кўчаси, 9-уй. Соат 8.00 дан 20.00 гача, дам олиш кунисиз ишлайди.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

11 ПУНКТ — Маиший хизмат уйи, Соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— якшанба, душанба.

АГАР СИЗ ХОҲЛАСАНГИЗ ГИЛАМЛАР, ГИЛАМ БУЮМЛАРНИ ИСТАЛГАН БОШҚА ПУНКТГА ҲАМ ТОПШИРИШИНГИЗ МУМКИН.

Пеночистка гилам буюмларнинг (табиий ва сунъий толалардан тўқилган) **рангини тозалайди, ифлос бўлишдан сақлайди. Ишлов берилган газмол бирмунча ёркин тус олади ва юмшоқ майин бўлиб қолади.**

УЙГА ҚАНДАЙ ЧАҚИРИШ МУМКИН?

Бунинг учун исталган телефон номерини териш ва сиз хизмат кўрсатаётган ходимнинг ўзингиз учун қулай вақтини топишнинг ўзигина кифоя.

ЭСДА ТУТИНГ

53—20—54

(заявкалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади)

33—56—58

(аризалар дам олиш кунисиз ҳар куни 8.00 дан 20.00 гача қабул қилинади).

Бригаданинг дам олиш кунлари — якшанба ва душанба.

Сайёр бригаданинг иш сифати бўйича таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз: Западная кўчаси, 1-уй. «Ҳимчистка» фабрикасининг дирекцияси. (18-автобус, 7, 14, 24-трамвайлар) ёки телефон бўйича: 53—48—33.

Телефонлар номерларининг яна бир бор эслатиб ўтамиз: 53—20—54; 33—56—58. Ана шу исталган телефонлар орқали бошқа заказлар ҳам буюриш мумкин. Жумладан уйга кириб буюмларни тозалаш учун олиб кетишни илтимос қилиш мумкин.

ҚЎШИМЧА СПРАВКАЛАР:

— заявкалар заказчининг қайси районда яшаб турганидан қатъий назар қабул қилинаверади.

— Буюмларнинг миқдори чегараланмайди.

— тозалаш учун тўланадиган ҳақ одатдаги тариф бўйича олинади

— уйга чақирганлик ва ҳар бир буюмни қайтариб уйга элтиб берганлик учун қўшимча равишда 50 тийин ҳақ ундирилади.

— буюртмани бажариб бериш муддати — 7 кун.

— Буюртмачининг айби билан ўз вақтида олинмаган тоза буюмларни қуйидаги адресдан олиш мумкин: Западная кўчаси, 1-уй (18 автобус, 7, 14, 24-трамвайларнинг «Химчистка» фабрикаси» бекати) ёки 5—филиалдан.

Бизнинг бошқа хизматларимиздан ҳам фойдаланишингизни сўраймиз. Унинг асосийларидан бири — кийим-бош ва бош кийимлари, галстуклар, тўр буюмлар шерсть ва ярим шерсть одеяллар ва бошқалардир чунончи кийимларни (резиналаштан плашлар ҳам), бахмал буюмлар, газмоллар (синтетик буюмлардан ташқари)ни қайта бўяш билан тиклаш мумкин.

ЯНА ИККИТА ХИЗМАТ ТУРИНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ:

Кийимларни антистатистик ишлов бериш ва шерсть, ярим шерсть ҳамда шунга хос буюмларни куяга қарши туйинтириш учун буюртмалар қабул қилади. Буни фақат қуйидаги адресдаги 2 филиалда амалга ошириш мумкин. Чилонзор массиви, 1 квартал, Пионерская кўчаси.

АГАРДА СИЗ БИЗНИНГ ХИЗМАТИМИЗДАН ТЕЗ-ТЕЗ ФОЙДАЛАНИБ ТУРСАНГИЗ, БУЮМЛАРИНГИЗ ДОИМ АЪЛО КУРИНИШДА БЎЛАДИ.



ПЕНО ЧИСТКА

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ

Узбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти коллектив тарих фанлари кандидати Ж. Болтабоевга отаси

Болтабой МИРЗАРАИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

15 АВГУСТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; аълонлар бўлими— 38-81-42.

Р. 13107. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1380.